

## ГРАДУАЛ ПАРАЛЛЕЛИЗМ

**Ширинова Нилуфар Джаббаровна**

**ЎЗР ЖХУ доценти, филология фанлари номзоди**


<https://doi.org/10.5281/zenodo.13751582>

**Аннотация:** Ушбу мақолада флексия усули орқали кўплик маъносини бериш инглиз тили морфологик тизимининг ўзига хос имкониятларидан бири бўлиб, кўплаб лисоний маъно ва категорияларни воқелантириш ва бу ҳодисага оид муаммолар батафсил ёритилган.

**Калит сўзлар:** флексия усули, ички флексия, грамматик маъно.


Флексия усули орқали кўплик маъносини бериш инглиз тили морфологик тизимининг ўзига хос имкониятларидан бири бўлиб, кўплаб лисоний маъно ва категорияларни воқелантириш, жумладан, сон категориясини ифодалаш учун ҳам фаоллашишини кузатишимиз мумкин [1]. Бунда отларга қўшилиб, бевосита кўплик маъносини ифодалайдиган *-s* флектив шакли инглиз тилининг ташқи флексияларни ишлатиш (аффиксация) имкониятларидан дарак берса, ички флексия (бирор бир грамматик маънони беришда сўз таркиби, тузилиши, шакли, талаффузи ва имлосининг тўла ва/ёки қисман ўзгариши ёхуд ўзгармасдан қолиши) айна пайтнинг ўзида сон маъносини реаллаштиришда ҳамкор усул сифатида гавдаланмоқда.

Умуман олганда, инглиз тилидаги флектив ҳолатларнинг нисбатан унумлигини ҳисобга оладиган бўлсак, тил birlikлари (от, олмош, феъл каби)да уларнинг ҳар иккала – ички ва ташқи флексия – тури ҳам барқарор инпараллел воситалар деб қаралиши мумкин:




### **1-расм. Инглиз тилида сон маъносининг ташқи флексия (аффиксация) орқали ифодаланиши**

Юқоридаги расм инглиз тили морфологик birlikларининг ташқи флексия орқали инпараллелизмни реаллаштиришига дахлдор бўлса, кейинги ҳолат инглиз тилида унумли бўлган ички флексия билан боғлиқ бўлиб, хусусан, миқдорий белгини ифодалаш учун ҳам эквивалентликни намоён этади:




2-расм. Инглиз тилида сон маъносининг ички флексия орқали ифодаланиши

Мазкур фарқланишда **супплетивизм** (муайян лексик ёки грамматик маънони беришда бошқа ўзакдан фойдаланиш) ҳам иштирок этиб, эквивалент шакл(лар)ни намоён этади:



3-расм. Инглиз тилида сон маъносининг супплетивизм орқали ифодаланиши

Кўринадики, инглиз тили сон грамматик маъносини лексик ва морфологик усуллар билан беришда рангба-ранг имкониятларга эга бўлиб, улар тегишли тартибда инпараллел ҳодисалар сифатида тартибланади. Қуйида юқорида келтирилган усулларни умумлаштирган ҳолда инглиз тилида сон грамматик категориясини ифодаловчи усул ва воситалар инпараллелизминини кўрсатишга ҳаракат қиламиз:



#### 4-расм. Инглиз тилида сон грамматик категориясини ифодалашда инпараллелизм

Инглиз тилида сон категориясини флектив ва супплетив шакллар билан ифодалашда эквивалентликни намоёиш этувчи мазкур тасниф инпараллелизмга яққол мисол бўла олади.

Инградуал параллелизм нафақат бирор-бир грамматик маънони берувчи лингвистик усул ва воситалар орасида, балки лексик бирликлар орасида ҳам воқеланиши мумкин. Масалан, ишимизнинг биринчи бобида таҳлилга тортганимиз **How+adj...?**, аниқроғи, а) *How happy is he/she?* б) *How unhappy is he/she?* маъноларини реаллаштиришга хизмат қилувчи *so, really, extremely, a little bit, quite, very, absolutely* каби воситалар ёрдамчи аналитик воситаларнинг ҳам ўзаро параллелизмини кузатамиз. Бундай боғланишни параллелизм дейишимизга сабаб, мазкур воситалар инпараллел муқобиллар сифатида “the level of happiness” (“бахт(лилик) даражаси”) ҳамда “the level of unhappiness” (“бахтсизлик) даражаси”) лексик-семантик ҳамда грамматик маъноларини юзага чиқаради: *He/She is so happy/unhappy; He/She is really happy/unhappy; He/She is extremely happy/ unhappy; He/She is a little bit happy/unhappy; He/She is quite happy/unhappy; He/She is very happy/unhappy; He/She is absolutely happy/unhappy.*

Бу эквивалентларнинг барчаси грамматик жиҳатдан аналитик воситалар, уларнинг воқеланишига сабаб бўлаётган лингвистик имкониятлар эса аналитик усуллар бўлиб, лексик-грамматик инпараллелизмни намоён этмоқда. Мазкур инпараллел элементларнинг нисбий даражаланишини ҳисобга оладиган бўлсак, қуйидаги градуал инпараллел занжир ҳосил бўлади:

#### Intensification of *happiness/unhappiness*

...a little bit ~ quite ~ really ~ so ~ absolutely ~ extremely...

#### Neutralization of *happiness/unhappiness*

#### 5-расм. *How happy/unhappy is he/she?* сўроғига жавоб бўла олувчи кўмакчи аналитик бирликлар инпараллел градуал қатори

Инпараллелизм микроградуонимик қатордан макроградуонимик қаторга ўсиб боришини ҳисобга оладиган бўлсак, 1-, 2-, 3-, 4-, 5-, 6-, 7-расмларнинг ўзида бирдан ортиқ инпараллел градуал ва ноградуал боғланишларни кўрамиз: инглиз тилидаги аналитик воситалар параллелизми ўзаро зидланиш-жуфтланиш (параллеллашиш)дан ташқари, бир-бирига контраст бўлган луғавий маънолар – “бахт(лилик)-бахтсизлик” семаларини ноградуал ҳамда градуал кўринишларда жойлаштиришга шароит яратмоқда (бу таҳлилларда “ноградуал” тушунчасини юқоридаги таснифларни шарҳлаш мақсадидагина ишлатмоқдамиз, зеро лисоний онгимизда барча тил бирликлари фақат (!) градуал муносабатларда яшашини унутмаслигимиз лозим). Шундай экан, мазкур муносабатлар бир тил (инглиз тили) доирасида турли (ва ҳатто зид) маъноларни рўёбга чиқарувчи **градуонимлар инпараллелизми, инпараллел градуонимлар муносабати** ёхуд **инпараллел градуонимия** сифатида изоҳланиши мумкин.

Албатта, ҳар бир градуонимик қаторда бўлгани каби градуал инпараллел боғланишларда ҳам алоқадорликнинг ўсиши “тескари алоқа” йўналишида бўлади – бирликларнинг муайян сема ёки вазифа асосида қаторлашиши “... маънонинг кучайиши ва аксинча” тамойили бўйича амалга ошади: “сон маъносини ифодаловчи бирликлар унумдорлик даражасининг ошиши ва аксинча”; “сон маъносини ифодаловчи бирликлар унумдорлик даражасининг камайиши ва аксинча” каби. Бунда даражаланиш қаторининг ва умуман, миқдорий ўзгаришларнинг сифатий ўзгаришларга ўтиши қонунининг инъикоси каби маънонинг кучайиши/ошиши/интенсивлашиши унга зид саналган маъно ёки функциянинг пасайиши/камайиши/нейтраллашиши ҳисобига бўлади (бу параллел воситаларда унумдорликнинг ошиши камунумдорлик ёки унумсизликнинг камайиши (ва аксинча) ҳисобигадир). Бу эса, даражаланиш муносабатларининг, хусусан, градуал параллел муносабатларнинг яна бир муҳим тамойили – **тил муайян маънони ёки вазифани ифодалашга киришар экан, маълум бир усул ва воситаларни (тил мақсади, шароити, имкониятлари ва вазиятга кўра) нейтраллаштириш эвазига бошқа бир(лар)ини доминантлаш йўлидан бориши** – реаллашаётганидан далолат беради.

### References:

1. Атаева, Рануша Рашидовна. "СОВРЕМЕННЫЕ КОНЦЕПЦИИ ЛИНГВИСТИЧЕСКОГО ГНЕЗДА." *Ответственный редактор* (2022): 34.
2. Nasirova, Saodat A. "Principles for translating vocabulary with background information." *European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies* 2.07 (2022): 82-87.
3. Mirzakhmedova, Khulkar V., et al. "Use of Mobile Applications in Establishing Inclusive Education in Pedagogy." *Journal of Law and Sustainable Development* 11.12 (2023): e2376-e2376.
4. NASIROVA, SAODAT. "Human resource system of ancient China (chronological aspect)." *SHARQ MASH'ALI* 01 (2022): 31-32.
5. Abdullayevna, Nasirova Saodat. "上合组织国家的科学研究: 协同和一体化." *上合组织国家的科学研究: 协同和一体化* 87.0.
6. Omonov, Qudrat, et al. "THE STANDARDS OF FORMAL WRITING STYLE AND THEIR CHOOSING." *SPAST Abstracts* 2.02 (2023).
7. Rashidova, Munavvar Haydarovna. "Recommendations on the use of scaffolding technology in English classes." *Science and education* 3.9 (2022): 459-461.
8. Haydarovna, Rashidova Munavvar. "On linguistic competence as the component of communicative competence." *EPRA International Journal of multidisciplinary Research* 7.3 (2021): 165-167.
9. Haydarovna, Rashidova Munavvar. "Discourse competence as the component of communicative competence." *EPRA International Journal of Research and Development* 6.3 (2021): 39-41.
10. Haydarovna, Rashidova Munavvar. "Problems of competence approach in teaching a foreign language in a non-linguistic tertiary institution." *EPRA International Journal of multidisciplinary Research* 6.3 (2020): 165-167.

11. Рашидова, Мунаввар Хайдаровна. "Из истории развития скаффолдинга." *International conferences*. Vol. 1. No. 16. 2022.
12. Rashidova, Munavvar Khaydarovna. "TECHNIQUES FOR IMPROVING CADETS' CONVERSATIONAL SKILLS." *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences* 3.3 (2023): 637-640.
13. Рашидова, Мунаввар Хайдаровна. "Развитие коммуникативной компетенции в обучении курсантов устной речи." *Инновации в педагогике и психологии* 4.1 (2021).
14. Haydarovna, Rashidova Munavvar. "Problems of teaching communicative English language at the Military Institute of the National Guard of the Republic of Uzbekistan and the ways of eliminating them." *EPRA International Journal of Research and Development* 5.3 (2020): 502-504.
15. Akhmedov, Doniyor A., et al. "Simulation of the effect of turning steering wheel intensity on the vehicle stability." *International journal of recent technology and engineering (IJRTE)* 9.2 (2020): 242-247.
16. Haydarovna, Rashidova Munavvar, and Namozova Dilnoza Berdimurotovna. "Effective methods of teaching." *Materials of the republican* (2021): 23.
17. Haydarovna, Rashidova Munavvar, and Namozova Dilnoza Berdimurotovna. "Review of the research on boburology abroad and in Uzbekistan." *The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research* 2.09 (2020): 55-60.
18. Rashidova, M. X., and D. B. Namozova. "TEACHING TECHNICAL SUBJECTS THROUGH ENGLISH." *Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: даврий анжуманлар: 10-қисм*: 32.
19. Khaydarovna, Rashidova Munavvar. "Techniques for improving cadets' conversational skills." *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. Oriental renessans* 3.3 (2023): 637-640.
20. Hashimova, Sabohat Abdullaevna. "Peculiarities of Making Nouns Using Suffixes in Chinese (On the Example of Suffixes 家 "Jia" and 者 "Zhe")." *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding* 8.8 (2021): 367-370.
21. Khashimova, Sh K. "THE TEACHING OF LITERARY DISCIPLINES IS THE MAIN FACTOR AFFECTING EDUCATION." *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences* 2.6 (2022): 313-316.
22. Mirzakhmedova, Khulkar V., et al. "Use of Mobile Applications in Establishing Inclusive Education in Pedagogy." *Journal of Law and Sustainable Development* 11.12 (2023): e2376-e2376.
23. Хашимова, Сабохат Абдуллаевна. "ҲОЗИРГИ ХИТОЙ ТИЛИ СИФАТЛАРДА КОНВЕРСИЯ ҲОДИСАСИ." *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА* 3.2 (2020).
24. Эгамбердиева, Г. М. "МЕТОДИЧЕСКАЯ РАЗРАБОТКА ПО РУССКОМУ ЯЗЫКУ НА ТЕМУ «ВТОРОСТЕПЕННЫЕ ЧЛЕНЫ ПРЕДЛОЖЕНИЯ»." *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ* 18.1 (2023): 41-44.
25. Kamilova, S. E., et al. "THE ORIGINALITY OF MODERN LITERATURE (On the example of the works of Ildar Abuzyarov, Timur Pulatovand, Zakhar Prilepin)." *Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry* 12.9 (2021).
26. Madiyarovna, Egamberdieva Guzal, et al. "The Role of Folklore in the Development of Russian Literature (On the Example of the Stories of A. Platonov and S. Aflatuni)." *Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry* 12.7 (2021).

27. Булычёва, М. Ф. "К вопросу о рациональных приёмах запоминания учебного материала." *Science and Education* 4.2 (2023): 1359-1369.
28. Булычёва, Маргарита Фаритовна. "Компетентностная парадигма как основа формирования новой дидактической модели образования." *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences* 3.4 (2023): 318-325.
29. Булычёва, М. Ф. "РЕАЛИЗАЦИЯ В АУДИТОРИИ УЧЕБНОЙ УСТНО-РЕЧЕВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ." *Ta'lim innovatsiyasi va integratsiyasi* 11.2 (2023): 87-91.
30. Булычёва, М. Ф. "К ВОПРОСУ О СПОСОБНОСТИ ОРГАНИЗОВЫВАТЬ МЫСЛЬ ПОСРЕДСТВОМ СЛОВА И ПРАКТИКЕ РАБОТЫ НАД КРАСНОРЕЧИЕМ."
31. Kenjabayevna, Darvishova Gulchehra. "GRAMMATIK MATERIALLARNI TANLASHNING ROLI." *Лучшие интеллектуальные исследования* 15.1 (2024): 150-154.
32. Дарвишова, Гулчехра Кенжабаевна. "ШАРЛОТТА БРОНТЕНИНГ ЎЗИГА ХОС ИҚТИДОРИ." *Лучшие интеллектуальные исследования* 14.4 (2024): 193-196.
33. Kenjabayevna, Darvishova Gulchehra. "'JANE EYRE" ROMANIDA TASVIRLANGAN AXLOQIY MUAMMO, GENDER VA TENGLIK MASALALARI." *Journal of new century innovations* 44.2 (2024): 86-90.
34. Ширинова, Наргиза. "ҲАРБИЙ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ КУРСАНТЛАРИНИНГ БИЛИШ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА "ФАОЛЛИК" ТУШУНЧАСИ ТАЛҚИНИ." *MATERIALLARI TO'PLAMI* 330 (2023).
35. Shirinova, N. D. "Shirinova ND GRADUAL MORPHOLOGICAL DEMARCATION OF SUBSTANTIVE AND ATTRIBUTIVE MEANINGS IN UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES." (2022).
36. Ширинова, Наргиза. "ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА КУРСАНТЛАРГА ЎҚИШНИ ЎРГАТИШ УСУЛЛАР." *TADQIQOTLAR* 26.1 (2023): 39-45.
37. Shirinova, N. D. "GRADUAL MORPHOLOGICAL DEMARCATION OF SUBSTANTIVE AND ATTRIBUTIVE MEANINGS IN UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES." *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences* 2.Special Issue 26 (2022): 665-668.
38. Shirinova, N. D. "Personal and Professional Upbringing of Learners by Specific Approach to the learning English." *Irrigatsiya va Melioratsiya* 2 (2017): 66-69.
39. Ширинова, Нилуфар Джаббаровна, and Мухайё Хасановна Давлатова. "МОРФОЛОГИЧЕСКИЙ СПОСОБ РАЗГРАНИЧЕНИЯ ЗНАЧЕНИЙ ПРЕДМЕТНОСТИ И КАЧЕСТВЕННОСТИ В СИСТЕМЕ ЯЗЫКА." *Muassis: Buxoro davlat universiteti TAHRIRIYAT: Muharrirlar: MQ Abuzalova MA Bokareva NN Voxidova* 40.
40. Shirinova, N., and Abdullaeva N. *Lets Learn English. "for Agriculture. Study-book for the students of agriculture."* (2016).
41. Shirinova, N., and N. Abdullayeva. "English for You. Study-book for the intermediate students of irrigation and melioration." (2014).
42. MENGLIEVA, Sunbula Savranbekovna. "Effective Methods of Teaching Military Terminology Cadets by the Project Method." (2022).
43. Менглиева, Сунбула. "Increasing the professional competence of cadets through the method of projects." *Общество и инновации* 3.10/S (2022): 296-300.
44. Mengliyeva, S. S. "SOHAVIY TERMINLARNING LISONIY XUSUSIYATLARI." *Innovative Development in Educational Activities* 2.19 (2023): 293-300.

45. Namozova, Dilnoza Berdimurotovna. "Development of phonetic competence." *Science and Education* 3.9 (2022): 413-415.

46. Намозова, Дилноза Бердимуротовна. "Peculiarities of phonetic competence development in conditions of artificial multilingualism." *инновации в педагогике и психологии* 4.1 (2021).

INNOVATIVE  
ACADEMY